

**Азизов Ш.У. – ТМИ,  
катта илмий ходим-изланувчи**

## **БОЖХОНА АУДИТИНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ҲАМДА УНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ АУДИТИДАН ФАРҚИ**

Мақолада ташқи иқтисодий фаолият, божхона сиёсатини юритиш стратегияси, божхона аудитининг меъёрий-хуқуқий жиҳатдан мазмун-моҳияти, уни амалиётда қўллашнинг афзалликлари ҳамда унинг ташқи иқтисодий фаолият аудитидан фарқи баён этилган.

**Таянч сўзлар:** ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, божхона сиёсати, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, божхона назорати, божхона расмийлаштируви, божхона декларацияси, божхона имтиёзлари, божхона аудити, ташқи иқтисодий фаолият аудити.

В статье расскрыто внешне экономической деятельность, стратегия ведение таможенной политики, сущность и значение таможенного аудита с нормативно-правовой точки зрения, преимущества внедрении таможенного аудита в практике, а также, его отличие от аудита внешне экономической деятельности.

**Ключевые слова:** внешнеэкономическая деятельность, внешняя торговля, таможенная политика, субъекты внешнеэкономической деятельности, таможенный контроль, таможенная оформления, таможенная декларация, таможенные льготы, таможенный аудит, аудит внешне экономической деятельности.

The article describes foreign trade, the strategy of managing customs policy, the nature and value of the customs audit with the legal point of view, the advantages of implementing a customs audit in practice, and also it differs from an audit of external economic activity.

**Key words:** foreign economic activity, foreign trade, customs policy, subjects foreign economic activity, customs control, customs registration, customs declaration, customs privileges, customs audit, audit of foreign economic activity.

Барча мамлакатларда рақобатбардош товарлар импорти ва экспортида юзага келадиган божхона тартиб-таомиллари ҳамда жараёнларини янада соддалаштириш ва халқаро қоидалар билан уйғунлаштиришга эътибор қаратмоқда. Шу боис, мамлакатимизда ҳам ташқи иқтисодий фаолият тамойилларини унификациялаш, янада қўпроқ маҳаллий ташкилотларнинг ривожланган мамлакатлар билан халқаро ташқи савдо алоқаларига киришиши, маҳаллий хом-ашёлардан ишлаб чиқарилган рақобатбардош миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқиши натижасида, унинг давлат ва жамиятга берадиган иқтисодий самараси қандай бўлиши ҳакида чуқур ўйлаб кўриш вақти келди. Зеро, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан энг тез таниладиган, унинг иқтисодий қудрати ва молиявий салоҳиятини оширадиган иқтисодий дастаклардан бири, бу - экспорт-импорт муомалаларидир.

Маълумки, барча мамлакатлар ўзаро манфаатли интеграцияни таъминлаш мақсадида халқаро ташкилотларнинг умум қабул қилинган меъёрларига таянадилар. Масалан, Умумжаҳон Савдо Ташкилоти ва Божхона Иттифоқининг талаблари ёки умум эътироф этилган ва қабул қилинган халқаро конвенциялардаги қоидалар, шулар жумласидандир. Бироқ, шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, экспорт ва импорт операцияларининг муваффақияти кўп жиҳатдан мамлакатда самарали юритилаётган божхона сиёсати стратегиясига боғлиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бу соҳада кўплаб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилиши ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов томонидан эътироф этилган қўйидаги фикрларни келтириш мақсадга мувофиқ: “Жаҳон миқёсида савдо-сотиқ ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустлашгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташки талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, биз ташки савдо айланмасида ижобий сальдога эришдик. Бу эса давлатимизнинг олтин-валюта захирасини ошириш имконини берди”[1].

Шунингдек, ушбу фикрларнинг узвий давоми сифатида ташки савдони янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: “...Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2017 йилда сўзсиз ҳал қилувчи фаолият йўналишига айланиши зарур. Бу ўринда гап фақат экспорт ҳажмининг ўсиш қўрсаткичлари ҳақида бораётгани йўқ. Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. ... Ўтган йили жами 1 миллиард 540 миллион долларлик прогноз қўрсаткичлари бажарилмай қолди. Шундан 570 миллион доллари Вазирлар Маҳкамаси комплексларига қарашли корхоналарга тўғри келади. 970 миллион доллар микдоридаги қўрсаткичлар эса худудлардаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилмаган. Бизнинг маҳсулотимиз экспорт қилинадиган мамлакатлар сони 2010-йилга нисбатан 176тадан 138тага камайган. Айни вактда машинасозлик комплекси, “Ўзфармсаноат” концерни ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти тизимидағи корхоналарда импорт ҳажми экспорт ҳажмидан ўнлаб марта кўп”[2], деган танқидий фикрлари тизим олдига кўплаб вазифаларни юклайди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада либераллаштиришнинг ҳозирги босқичида ташки иқтисодий фаолият субъектларининг иши самараси ташки савдо қоидаларини соддалаштириш ва халқаро талаблар билан уйғунлаштириш йўналишида ривожланади, бунда божхона аудитининг ўрни каттадир. Таъкидлаш жоизки, ушбу халқаро ташкилотлар ёки конвенция талаблари мажбурий эмас ва улар ихтиёрий характерга эга. Агар давлатлар ушбу талабларни ўз божхона амалиётида қўллашса, халқаро ҳамжамиятга қўшилиши ва бевосита интеграциялашган давлатлар қаторидан жой эгаллаши муқаррар.

Божхона жараёнларини уйғунлаштириш ва соддалаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция, амалдаги божхона механизмини халқаро савдо талабларига мувофиқ мослаштиришга интилувчи давлатларга тайёр қўлланмадир. Унинг

талаблари акс этган тамойиллар қуидагилардан иборат[3]:

- ✓ Божхона жараёнлари ва амалиётини узлуксиз тақомиллаштиришга қаратилған мақсадли дастурларни бажариш натижасида уларнинг самарадорлиги, амал қилиш даражаси ва доирасини ошириш;
- ✓ Божхона жараёнлари ва амалиётини маълум кетма-кетликда, адолатли ва холис қўллаш;
- ✓ Манфаатдор томонларни қизиқтирган барча божхона қонунлари, меъёрий хужжатлар, маъмурий тавсиялар, жараён ва амалиётга алоқадор бўлган барча тегишли зарурий ахборотлар билан таъминлаш;
- ✓ Божхона органлари рисқ(хавф-хатар)ларни бошқариш тизимида назорат ва аудитнинг илғор, замонавий усулларини қўллаш ҳамда ахборот технологияларидан амалда максимал даражада фойдаланиш;
- ✓ Барча зарурий ҳолларда давлатнинг бошқа органлари, божхона маъмурияти ва савдо бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- ✓ Тегишли халқаро стандартлар талабларини бажариш ёки уларга риоя қилиш(бузмаслик);
- ✓ Бевосита алоқадор томонларнинг маъмурий ва суд амалиётлари шарҳи(изоҳи) билан танишиб чиқиши учун ҳеч қандай чеклов(таъқиқ)ларсиз рухсат берилишини таъминлаш.

Конвенция шартларига қўшилган (ёки унга аъзо бўлган) давлатлар ўз божхона қонунчилигини юқоридаги талабга мувофиқ мослаштириши зарур. Конвенцияда кўрсатилған шартлардан кўра яхшироқ шартларни ўз миллий божхона қонунчилигига ўрнатиш, конвенцияга биноан, нафақат, рухсат берилади, балки, қўллаб-қувватланади ҳам. Конвенция - божхона иши соҳасидаги барча божхона масалаларини амалий тартибга солувчи универсал кодланган халқаро меъёрий-хуқуқий хужжат ҳисобланади. У бир томондан, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона расмийлаштируви ва назорати жараёнларини соддалаштириш ва тезлаштириш асосида рағбатлантиришга иккинчи томондан, бундай соддалаштириш ва тезлаштириш давлат ва жамият манфаатларига зиён етказмаслигига йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Киото конвенцияси асосий тамойилларига мувофиқ, зарурий асосий мақсадга эришиш учун, рисқ(хавф-хатар)ларни бошқариш тизимини қўллаган ҳолда божхона назорати танлов асосида амалга оширилиши, минимум вақт ва харажат билан чекланиши зарур. Божхона Иттифоқи (кейинги матнларда БИ) ва Конвенциянинг амалдаги қонунчилиги орасида деярли жиддий фарқ йўқ, мавжуд фарқлар атамалар талқинидаги фарқдан иборат. Масалан, улардан бири: Конвенцияда “аудит усуллари асосидаги назорат”[3] атамаси мавжуд бўлса, БИ Божхона кодексида ушбу термин: “Божхона аудити” ва “Товарлар ҳисоби ва ҳисботи тизимларининг аудити”[4] деб талқин этилади.

Конвенциянинг 2-боби иловасига мувофиқ, “аудит усуллари асосидаги аудит”[3] атамаси божхона хизматига декларацияларнинг тўлдирилишининг тўғрилиги ва унда акс этган маълумотларнинг ҳаққонийлигини манфаатдор шахсларда мавжуд бўлган тегишли счёtlар, ҳисоб ва хужжатлар айланмаси

китоблари ва тижорат ахборотларини текшириш йўли билан чоралар кўрилишини англатади.

Унинг б-бобида божхона назоратига тегишли Йўриқнома(Низом) мавжуд бўлиб, унда: “Божхона назорати тизими ўз ичига аудит усулларига асосланган назоратни қамраб олиши зарур”[3]лиги назарда тутилади.

Юқоридаги меъёрларда келтирилган атамаларнинг тўлиқ мазмун-моҳиятини тушуниш ва истиқболда, мамлакатимиз амалиётида самарали қўллаш учун, қуйидагича изоҳ беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

*Биринчидан*, амалдаги божхона назорати ёки истиқболдаги божхона аудити товарлар ва транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида муомалага чиқарилгандан сўнг, аудит усулларига асосланган ҳолда ўтказилиши керак;

*Иккинчидан*, товар ва транспорт воситаси ҳақидаги ахборот акс этган декларацияни декларант ёки импортёр(экспортёр), дастлаб, электрон шаклда, товар ва транспорт воситаси тегишли божхона органига назоратдан ўтиш мақсадида, етиб келиш муддатидан олдин божхона органларига жўнатиши зарур;

*Учинчидан*, Ўзбекистон Божхона органлари божхона жараёнларида риск(хавф-хатар)ларни бошқариш тизими имкониятларини самарали қўллаши шарт;

*Тўртинчидан*, Ўзбекистон Божхона органлари экспорт-импорт товар ва транспорт воситалари юзасидан эҳтимоли бўлган юқори даражали рискларни минимум даражагача тушириш ва буткул бартараф этиш чораларини кўришнинг комплекс механизмига эга бўлиши керак;

*Бешинчидан*, Ўзбекистон Божхона органлари ёки бошқа ваколатли молиявий назорат органлари ташқи савдо битими тўғрисида тўлиқ таҳлилларга асосланган маълумотларга эга бўлиши зарур;

*Олтинчидан*, барча давлат молиявий назоратини амалга оширувчилар, жумладан, солиқ, божхона хизмати ва бошқа ваколатли органларда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни аудит усулларига асосланган назоратда йиғиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг ягона автоматлашган тизимга ўтиши ва уларнинг ўзаро ахборот алмашинуvida тизимли ҳамкорлик қилиши шарт;

*Еттинчидан*, Ўзбекистон божхона органларининг барча молиявий назорат органлари билан риск(хавф-хатар)ларни бошқариш тизимини қўллаган ҳолда назорат қилишнинг предмети, шакллари, тамойилларига аниқлик киритиш мақсадида, ўзаро кўмаклашиш, ҳамкорлик қилиш масалаларида келишувларга эга бўлиши керак ва ҳ.к.лар.

Таъкидлаш жоизки, Божхона Иттилоғи Божхона Кодекси (кейинги матнларда БИ БК) ва Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси(кейинги матнларда ЎзР БК)да айнан “аудит” атамаси, унинг изоҳи мавжуд эмас. Бироқ, БИ БКнинг “Божхона назорати” деб номланган З-бўлими, “Божхона назорати тўғрисидаги умуний низом” номли 15-боби, 99-моддасида “Товарлар муомалага чиқарилгандан сўнг божхона назорати” атамаси мавжуд ва унга

таъриф берилган. Унинг 3-хатбошида: “Товарлар муомалага чиқарилгандан сўнг божхона назорати амалдаги БИ БКининг 16- ва 19-бобларида ўрнатилган тартиб ва шаклларда ўтказилади”[4], дейилган. БИ БКининг 16-боби “Божхона назоратини ўтказиш тартиби ва шакллари”га бағишланган. Унинг -“Божхона аудити”номли 122-моддаси 1-хатбошида эса: “Божхона аудити – божхона органлари томонидан БИ божхона қонунчилиги ва БИга аъзо давлатлар божхона қонунчилигида шахсларга нисбатан ўрнатилган талабларга риоя қилинишини текшириш мақсадида амалга оширилади”[4], деб таъкидланган.

Мазкур атаманинг изоҳидан шундай маъно келиб чиқадики, фақат божхона органларигина божхона аудитини ўтказишга ҳақлидирлар. Шу боис, импорт товар ва транспорт воситалари мамлакатимизда муомалага чиқарилганидан сўнг, назорат қилиш, истисно тарикасида, ҳозирги кунда уни амалга ошираётган фақат божхона органларининг ягона функцияси ҳисобланади.

БИ БК 98-моддасига биноан: “Божхона органлари БИ ёки ундан ташқаридаги божхона ҳудудларига чиқарилиши ва фойдаланилиши, божхона чегараси орқали жойлаштирилаётган товар ва транспорт воситаларига таъллуқли тижорат ва бухгалтерлик ҳужжатларини ёки бошқа ахборотларни сўраш(талаб қилиш) ва олишга ҳақлидирлар. Божхона назорати, қонунчилик ижроси назорати юклатилган божхона органлари томонидан, агар ТИФ қатнашчисининг божхона қонунчилиги ёки давлатнинг халқаро шартнома қоидаларини бузайтганлиги тўғрисида етарлича асосга эга бўлса, товар ва транспорт воситалари эркин муомалага қачон чиқарилганлигидан қатъий назар, ҳохлаган вақтда ўтказилиши мумкин. Божхона органлари товарларнинг мавжудлигини текширишга, божхона кўригидан ўтказишга, божхона декларациясида акс этган маълумотларни мазкур товар билан боғлиқ ташқи иқтисодий фаолият операцияларига тегишли тижорат ва транспорт ҳужжатлари ва бошқа ахборотлар билан қайта текширишга ҳақлидирлар. Божхона назорати декларант, мазкур операцияга бевосита ва билвосита алоқадор шахс, ҳужжат ёки зарурий ахборотга эга бўлган ҳохлаган бошқа шахс жойлашган ҳудудда ўтказилиши мумкин”[4].

БИ БК 122-моддасида куйидаги шахслар божхона аудит(текширув)идан ўтиши белгилаб қўйилган[4]:

1. Декларант;
2. Божхона вакили;
3. Ташувчи, жумладан божхона ташувчиси;
4. Товарни муомалага чиқарилгандан сўнг, унга боғлиқ ваколатга эга бўлган шахс ёки унинг вакили;
5. Товарни вақтинчалик сақлашни амалга оширган шахс;
6. Божсиз савдо дўконлари, божхона ва бошқа омбор эгалари;
7. Ваколатли иқтисодий оператор;
8. Товарлар битимида бевосита ёки билвосита қатнашган, тегишли божхона жараён(режим)ига жойлаштирган бошқа шахслар;
9. Мазкур Кодексда назарда тутилган, божхона чегараси орқали

ноқонуний, тартиб бузилган ҳолда олиб ўтилган товарларга эгалик қилувчи, ёки унинг фойдаланишида бўлган, ёхуд унга алоқадор ахборотга эга бўлган шахслар.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, БИ БКи ва Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида айнан “аудит” тушунчasi назарий жиҳатдан акс эттирилмаган, яъни мавжуд эмас. Ушбу ҳужжатларда тилга олинган - “божхона аудити (текшируви)” ва “товар ҳисоби ва ҳисботи тизимларини текшириш” - номли божхона назоратининг шакллари, амалда, умум қабул қилинган - “аудит” тушунчасини такрорламоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 2000 йил 26 май Конунининг 2-моддасига мувофиқ: “Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Аудиторлик хизматлари аудиторлик текширувларини ва ушбу Конуннинг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматларни ўз ичига олади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади”[5], дейилган. Маълумки, аудитнинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби ва аудит текширувидан ўтаётган шахс молиявий (бухгалтерия) ҳисботининг ҳаққонийлиги тўғрисида фикр билдиришдан иборат.

Ташқи иқтисодий фаолият аудитининг асосий мақсади эса – ташқи иқтисодий муомалалар (экспорт, импорт ва валюта) соҳасида бухгалтерия ҳисоби юритилишининг ҳаққонийлиги, тўғрилиги ва самарадорлиги тўғрисида, уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона, валюта ва молиявий қонунчилик ва халқаро стандартларга мувофиқ юритиш тартибига мувофиқ келиши тўғрисида фикр билдириш, шунингдек, ташкилотларда ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг назорат тизимлари самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашдан иборат.

Ташқи иқтисодий фаолият аудитини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари молиявий (бухгалтерия) ҳисботини текшириш орқали, уни ҳаққоний деб, тасдиқлаш маъсулият ва жавобгарлигини ўз бўйнига олишга ҳаракат қилсада, бу борада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ваколатли давлат органлари (Божхона Қўмитаси, Солиқ Қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк) ўрнини тўлиқ эгаллай олмайди ёки улар вазифасини батафсил бажара олмайди.

Божхона аудитининг ташқи иқтисодий фаолият аудитидан асосий фарқи шундаки, ташкилот ташқи иқтисодий фаолият аудити натижаларидан инвестор ва бизнес эгалари (мулқдорлар) фойдалансалар, божхона аудити натижаларидан давлат божхона органлари фойдаланади.

Зеро, аудиторлик фаолияти ва унга хос хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига факат аудиторлик ташкилотлари эга. Шу боис, товарлар муомалага чиқарилгандан сўнг, божхона назоратини ўтказиш, ҳозирги кунда божхона органлари ишида биринчи ўринга чиқмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятда қулай шароитлар яратиш бевосита божхона

жараёнларини соддалаштиришни назарда тутади. Бу ҳолат биринчидан, божхонада декларациялаш вақтини қисқартиришга хизмат қилса, иккинчидан божхона назорати самарадорлигини ошириши зарур. Шунингдек, хорижий контрагентлар билан ташқи савдо муносабатларида қўшимча баръерларни яратмаслиги керак.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида устувор йўналишлар биринчи навбатда божхона органлари томонидан амалга ошириладиган, божхона назоратини ўрнини қоплашга қаратилган божхона операциялари ва жараёнларини оптималлаштиришга хизмат қилиши шарт.

Божхона органлари томонидан ҳозирги кунда амалда ўтказилаётган божхона назорати тадбирларининг айrim вазифалари истиқболда товарларни муомалага чиқарилгандан сўнг божхона аудити зиммасига юклатилиши зарур.

БИ БК божхона операцияларини ўтказиш муддатларини сезиларли даражада қисқартириди. Бу эса, божхона назоратининг турли шаклларини қўллаш бўйича қарор қабул қилиш ва божхона декларацияларини чиқариш муддатлари, қабул қилишдаги божхона операцияларини якунлашга тегишлидир. Бундан ташқари, товарлар муомалага чиқарилгандан сўнг божхона аудитини ўтказиш бўйича божхона қонунчилиги талаблари қатъйлашди, божхона органлари ваколатлари янада кенгайди, бундай чора-тадбирларни ўтказиш муддатлари кенгайди.

Юқоридагилардан, Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси(янги таҳрири) 188-моддаси 13-хатбошида: “Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назорати”[6], деган жумла билан бойитилиб, бевосита унинг батафсил изоҳи келтирилган 201-модда ўрнатилди, унинг 5-хатбошида: “Текшириш муддати 1 йил ичидан амалга ошириш мумкинлиги” белгиланди. Бироқ, БИ БКда: “БИга аъзо ҳар бир давлат миллий қонунчилигига ушбу муддат қўшимча сифатида 5 йилгача узайтирилиши мумкин”[4]лиги таъкидланган. Масалан, қиёслаш мақсадида, РФда “Россия Федерациясида божхонани тартибга солиш тўғрисида”ги 27.11.2010 йилдаги №311-сонли ФҚнинг 164-моддаси 2-хатбошида: “Товарлар муомалага чиқарилгандан сўнг назорат қилиш муддати 3 йил”[7] эканлиги белгиланган. Бу муддат ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун қанчалик узайтирилса, шунчалик маъсулият ва жавобгарликлари ошишини англатади. Шунингдек, ушбу ҳолат, ТИФ субъектларининг божхона қонунчилигига итоаткорлигини таъминлайди ҳамда текшириш бошланган муддатдан орқага 5 йилгача бўлган санагача амалга оширилган ташқи савдо операциялари текширувга жалб этилишини таъминлайди.

Демак, хulosса чиқадики, божхона аудити – бу божхона назоратининг товарларни муомалага чиқарилганидан сўнг ўтказиладиган асосий шаклидир.

Шу каби ёки шунга мазмунан ўхшаш назорат шакли бутун дунёning аксарият мамлакатларида товарларни декларациялаш вақтини қисқартириш мақсадида қўлланилади. Бундан ташқари, фикримизча, уни мамлакатимиз амалиётида қўллашнинг ўзига хос яна қатор афзаллик ва камчилик томонлари ҳам мавжуд (1-жадвал).

## Божхона аудитини амалиётда қўллашнинг афзаликлари ва камчиликлари<sup>1</sup>

№	Афзаликлари		Камчиликлари	
	Давлат учун	Хўжалик юритувчи субъектлари учун	Давлат учун	Хўжалик юритувчи субъектлари учун
1.	Давлат божхона органлари томонидан хоҳлаган вактда агар зарурият туғилса, яъни ТИФ субъектининг божхона конунчилигини бузатётганини хакида етарлича ахборот, асос бўлувчи далилларга эга бўлса дарҳол, фавкулодда божхона аудитини ўтказишга имкон беради	Божхона органларида товарларни божхонада расмийлаштириш, декларациялаш жараёнига сарфлайдиган вакти кискартиради, кўшимча хисобга олинмай колган товарлар юзасидан ортиқча харажатлар (жарималар, мусодаралар)-ни содир бўлишини олди олинади.	Божхона расмийлаштируви жараёни соддалаштирилиши ва тўлиқ даврий электрон декларациялашга ўтилиши хисобига Давлат божхона омборларига товарларни вактингчалик жойлаштиришлар бўлмаслиги ёки уларни саклаш кунлари сони кискариши хисобига саклаш ва кўриклиш учун тегишли тўловни тўланмаслиги (айниқса импортда) ҳамда божхона кўригини ўтказувчи мансабдор шахсларга божхона кўригини ўтказишлари учун ТИФ субъектлари томонидан Давлат бюджетига Давлат божхона органлари орқали тўланиши керак бўлган маблағлар миқдори кескин камаяди	Давлат божхона органлари томонидан ТИФ субъектининг божхона конунчилигини бузган деган шубҳа туғилган бўлса ёки ююри риск гурӯхига кирувчи товар гумони билан хоҳлаган вактда божхона аудити ўтказилиши мумкин, бу эса ТИФ субъектини айни ва ўтган даврлардаги ташки савдо операцияларини тўлиқ, ёппасига, батағсил ўрганишга шарт-шароит яратади, кўп вакт талаб этади, кўшимча эксперталар жалб этилади
2.	Божхона органлари ТИФ субъектини божхона конунчилиги талабларига сўзиз риоя қилиши ва итоаткорлик хиссини юкорилигини назорат килишга мунтазам шароит яратади, конун устуворлигини таъминлайди, коррупциянинг олинади	Товарларни божхона омборига жойлаштириш (юкларни тушуриш, транспортга кайта юклаш), шартли саклаш (кандай шароитда(очик майдонда, контейнерда, музлаттигли хонада ва хоказо), неча кун саклашига боғлиқ холда яна кўшимча тўлов), кўриклиш ва инспекторга божхона кўригини ўтказиш учун тўланадиган кўшимча маблағлардан холи бўлади, коррупцияни буткул бартараф этади, унга асос қолдирмайди олди	Божхона органлари томонидан божхона постларидан ўтаётган барча товар ва транспорт воситаларини постнинг ўзида физик жиҳатдан тўлиқ ёпласига, синчиклаб назорат килишга имкон бермайди, вакт етмайди, чунки уларни тезроқ муомалага чиқариш талаб этилади	Божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган имтиёзли тартиби жорий этилганидан сўнг, агар божхона конунчилиги тартиб-коидалари кичик миқдорда бузилган бўлса ҳам жарималар миқдори катта бўлади
3.	Божхона органларида бевосита божхона назоратини амалга оширишда хизмат килаётган мансабдор шахсларнинг меҳнат унумдорлиги ошади, яъни, кимматли вакти тежалади, иш хажми ортади(қиска вактда катта миқдордаги товарларни расмийлаштириш амалга ошади)	Мамлакатда барча турдаги янги товарларнинг интеграцияси - харакат тезлиги ошади	Давлат Божхона органларида божхона кўригини ўтказувчи мансабдор шахсларнинг иш услубини ўзгартиришга тўғри келади, ёки улар сони кескин кискаради, чунки, улар хизматига эҳтиёж колмайди, аксинча маъмурий мансабдор шахслар хизматига талаб ортиб, улар сонини кўпайтиришга сабаб бўлади	Маъмурий, жиноий жавобгарлик маъсулияти янада ортади
4.	Божхона расмийлаштируви жараёни соддалашади, тўлиқ электрон декларациялаш тизимига ўтилади, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, божхона назорати жараёнларининг	Ҳам сифат, ҳам миқдор учун ўзаро ракобат кураши кучаяди	Барча турдаги бозорларда товарлар тўйиниши юзага келади, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар олдида кучли ракобатга бардош бериш муаммоси юзага келади, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўшимча рафбатлантириш, химоя қилиш	ТИФ субъекти бўлмаган барча маҳаллий ташкилотлар кучли ракобатни енгиши учун товарлар юзасидан ҳам сифат, ҳам нарх бўйича янги ғояларни амалиётга тадбик этиши талаб этилади

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

	шашфоғлиги таъминланади		чораларини ишлаб чиқиши талаб этилади	
5.	Божхона кийматини тўғри, адолатли, ҳаконий хисобланиши хисобига давлат бюджетига қўшимча маблағ тушишига асос яратилади, салбий субъектив омиллар бартараф этилади	Тежалган маблағлар хисобидан қўшимча иш ўринлари яратиш, жорий маблағлар кўпайиши, айланмасининг тезлиги ошишига имкон беради	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
6.	Божхона органлари томонидан киска вақт ичиди ташки савдо жараёнида катнашувчиларнинг сонини кўпайиши хисобига давлат бюджетига қўшимча маблағ ундириш имкони яратилади	Юқори манфаат (фойда олиш) учун ҳаракат бошланади, ташки савдода катнашиш мақсадидаги янги тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлади, уларнинг сони ортади, ҳаракатига яраша рағбатланиш хисси уйғонади	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
7.	ТИФ субъектларини божхона тўловларини тўлашдан кочиши ёки айланма йўллар орқали товарларни мамлакат худудига олиб келувчи, фирром ракобатчи тадбиркорлар учун катта тўсик пайдо бўлади, улар товарларнинг ташки савдосида ноконуний йўлдан конуний йўлга ўтишга ҳаракат қиласди	Ноконуний, айланма ва яширинча йўллар орқали хужжатсиз товарларни мамлакат худудига олиб келувчи, фирром ракобатчи тадбиркорлар учун катта тўсик пайдо бўлади, улар товарларнинг ташки савдосида ноконуний йўлдан конуний йўлга ўтишга ҳаракат қиласди	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
8.	Ташки савдо айланмасида янада ижобий сальдо кузатилади, натижада олтин-валюта захирасини янада барқарор даражада оширишига имкон беради	Барқарор валютанинг мустаҳкам захирасига конунний асосда, тезда эришишга шароит яратади, молиявий аҳволи яхшиланади	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас

Юқорида таъкидланганидек, божхона аудити фақат ва фақат божхона органлари томонидан ўтказилади. Шунингдек, БИ БК 122-моддаси 8-хатбошида: “Божхона аудитига бошқа назорат қилувчи давлат органларининг мансабдор шахслари ҳам жалб этилиши мумкин”[4]лиги белгилаб қўйилган.

Божхона органлари божхона аудитини ўтказишда солиқ ва бошқа давлат органлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан зарурий ахборотларни талаб қилиб олишга ҳақлидир. Бироқ, божхона органлари ТИФ қатнашчилари учун экспорт-импорт операцияларида юзага чиқиши мумкин бўлган хатарларни камайтириши талаб қилинади.

Ҳозирги кунда, ташки иқтисодий фаолиятда содир этилаётган ташки савдо операциялари аксарият товар, хизмат, ахборот ва интеллектуал мулк савдоси соҳасида амалга оширилмоқда. Жумладан, нафақат мамлакатимизда, балки барча иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда ҳам товар ва хизматлар экспортига энг кўп эътибор қаратилади. Шу боис, барча ТИФ субъектларига давлат томонидан бу борада берилаётган солиқ ва божхона имтиёzlари замирида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустаҳкам молиявий асосга эга бўлишига қўмаклашиш, капитал ўсишига

эришиш, янги иш ўринларини яратиш каби қатор вазифалар, натижада, ўз ечимини топади.

Таъкидлаш жоизки, ташқи савдо фаолияти натижалари ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботида ўз аксини топади. Ушбу ҳисоб ва ҳисоботларнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги ҳам ташқи, ҳам ички фойдаланувчилар учун бирдек зарур. Бунга сабаб, импортёр ташкилотлар мамлакатимизга товарлар четдан ўз вақтида тўлиқ етиб келиши ва унинг пули ўз вақтида тўлиқ ҳажмда қайтиб келишидан манфаатдор бўлсалар, экспортёр ташкилотларда эса мамлакатимиздан товарлар четга ўз вақтида тўлиқ чиқиб кетиши ва унинг пули ўз вақтида тўлиқ ҳажмда тўланишидан манфаат кўрадилар. Бунинг учун, албатта, текширувга тақдим этилган ҳисоб ва ҳисобот хужжатлари, ундаги имкониятлар ва истиқбол режалар батафсил ўрганилиб, таҳлил қилинади.

Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият аудити натижалари ташкилот мулкдорлари, эгалари учун ҳам муҳим. Мазкур фаолият тўғри ташкил этилганми ёки соҳада омадли фаолият юритилмоқдами ёхуд мазкур фаолият иқтисодий самарага эгами, бу тўлиғича ташкилот ишига боғлиқ бўлади. Мантиқан ўйлаб кўрилса, мазкур ахборотлар мустақил аудитор томонидан тасдиқланиши шарт. Шу боис, ташқи иқтисодий фаолият аудити, хусусан, унинг божхонага боғлиқ масалалари халқаро савдода жудаям долзарб.

Аксарият мутахассислар ташқи иқтисодий фаолият аудити асосан экспорт, импорт ёки хорижий ҳамкорлар билан тузилган молиявий шартномалар, битимлар шартларига риоя қилиниши устидан назоратга йўналтирилган бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, бу ҳолат ташқи иқтисодий битимлар ижросининг қонунийлиги ва асосланганлигини, уларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини баҳолаш имконини беради.

Ўз ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисобот шаклларининг ҳеч бирида алоҳида кўрсатилмаслиги, хорижий ҳамкорлар ва ташқи фойдаланувчилар учун бундай ҳисоботдан фойдаланишда реал қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ТИФ аудити нафақат ТИФ субъектларининг ҳисобот хужжатларини ҳаққонийлигини тасдиқлаш, балки улар фаолиятини чуқур таҳлилига ҳам йўналтирилиши зарур.

Одатда, ТИФ субъектлари фаолиятининг аудити қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ўтказилади:

1. Валюта операциялари аудити;
2. Экспорт операциялари аудити;
3. Импорт операциялари аудити.

Бироқ, ТИФни божхонага боғлиқ масалалар юзасидан аудитдан ўтказиш хақида гап кетганда, юқоридагиларга қўшимча сифатида яна бир қатор масалаларга ҳам эътибор қаратиш жоиз. Масалан:

4. Товарларни божхонада декларациялаш хусусиятларидан фойдаланиш;
5. Божхона қонунчилигига назарда тутилган, божхона операциялари ва

жараёнларидағи махсус соддалаштиришларни қўллаш;

6. Божхона операцияларини ўтказишда қўлланилаётган технологияларга боғлиқ ҳолда ташкилот томонидан тўланган божхона тўловларининг таҳлили ва ҳ.к.лар.

Валюта операциялари аудитида аудитор уларнинг бухгалтерия ҳисобида бухгалтер томонидан операциялар тугаллангандан сўнг, ҳам хорижий, ҳам миллий пул бирлигига ўша санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича акс эттирилган ҳолда юритиш тартибини текшириши, бунда банкдаги валюта счёти маблағларини, хорижий валютадаги ҳисоб-китобларни, валюта курсидаги фарқларни тўғри ҳисобланганлиги ва акс эттирилаётганини текшириши зарур.

Экспорт ва импорт операциялари аудитида аудитор қўйидагиларни амалга ошириши муҳим:

1. Ташқи иқтисодий фаолият юзасидан тузилган шартнома ва битимлар шартларига эътибор қаратиш, ўрганиш;

2. Имзоланган битимлар бўйича расмийлаштирилган хужжатларни текшириш;

3. Хорижий контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва ўз вақтида амалга оширилганлигини текшириш;

4. Экспорт-импорт операциялари бўйича қўшимча харажатларнинг (жумладан, божхона (брокери) декларанти, товаршунос, ташувчи хизматининг қиймати ҳамда божхона назорати ҳудудида вақтинчалик сақлаш ёки омборга жойлаштириш хизмати қиймати) асосланганлигини текшириш;

5. Божхона йифимлари, ажратмалари ва соликлар ҳисобланишининг тўғрилигини текшириш ва божхона қийматининг тўғриланганлигининг асосли эканини текшириш(агар мавжуд бўлса);

6. Товар қийматига бухгалтерия хужжатларида акс этган ва тасдиқланган бошка турлича устама харажатлар қўшилишининг асосланганлигини текшириш.

Божхона қийматини тўғри ҳисоблаб, божхона декларацияларини тўғри расмийлаштирадиган ва божхона тўловларини ўз вақтида тўлайдиган, вижданан ёндашадиган божхона қонунларига итоаткор ТИФ субъектларига божхона органлари томонидан турли хил санкциялар қўлланмаслиги, аксинча, қўшимча имтиёзлар тақдим этилишига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Шунингдек, ТИФ субъектларида божхона қонунчилигини бузиши ҳоллари аниқланса, бу уларнинг обрўсига путур етказиши мумкинлиги, уларни ўзларига нисбатан божхона органлари томонидан қўшимча назорат чоралари қўлланилиши мумкинлигига жиддий аҳамият бериш зарур.

Ўйлаймизки, божхона аудитини амалиётга қўллаш ҳам давлат, ҳам барча ташқи савдо субъектлари ҳам истеъмолчилар манфаатига хизмат қиласи ҳамда уларнинг ҳар бирида амалдаги божхона меъёрларига итоаткорлик ҳиссини оширади. Чунки, унинг асосий мақсади – божхона жараёнларидағи харажатларни минималлаштириш, вақтдан ютиш ва энг асосийси, товарларни божхонада декларациялашнинг оптималь (кам сарфли) хусусиятига эга

бўлишдан иборат. Бу биринчидан, маҳаллий импортёр ва экспортёр ташкилотларнинг ҳам жаҳон иқтисодиётида тўлақонли иштирокини таъминлашга кўмаклашса, иккинчидан, халқаро савдо бирлашмалари билан ташқи савдо юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишига олиб келади. Бундай ташқари, божхона аудитини ўтказувчи мансабдор шахслар томонидан ташқи савдони амалга ошираётган ёки келгусида амалга оширмоқчи бўлган ТИФ субъектларига, истиқболда божхона имтиёзларидан янада кенг фойдаланишининг қўшимча шартлари ҳақида, божхона қонунларини бузмаган ҳолда, ташқи савдо жараёнини оптималлаштириш бўйича қўшимча таклиф ва тавсияларини тақдим этиб борадилар. Натижада, божхона иши янада такомиллашади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. И.Каримов. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь, -Т.: “ЎЗБЕКИСТОН”, 53 б.(22 б., 42 б.).

2. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 15 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати расмий веб саҳифаси <http://www.press-service.uz/uz/news/5451/>.

3. “Божхона жараёнларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида”ги халқаро Киото конвенцияси, 1973 йил 18 май (2006 йил 3 февралдаги янги таҳрири). <http://www.unece.org/cefact/recommendations/kyoto/ky-01-e0.htm>, (2017 йил 7 январ ҳолатига), [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_106124/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_106124/), (2017 йил 7 январ ҳолатига).

4. “Таможенный кодекс Таможенного союза” (ред. от 08.05.2015г.) (приложение к Договору о Таможенном кодексе Таможенного союза, принятому Решением Межгосударственного Совета ЕврАзЭС на уровне глав государств от 27.11.2009г. №17), [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_94890/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_94890/), (2017 йил 7 январ ҳолатига).

5. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 26 май ЎРҚ 78-II-сон (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонунидаги таҳрир билан унги ўзгартиш ва

қўшимчалар киритилган - ЎР ҚҲТ, 2013 й., 18-сон, 233-модда),  
[http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=64290](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=64290), (2017 йил 7 январ ҳолатига).

6. Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси(янги тахрири) (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 3(I)-сон, 31-модда),  
<http://www.lex.uz/mobileact/2876354>, (2017 йил 7 январ ҳолатига).

7. Федеральный закон “О таможенном регулировании в Российской Федерации” от 27.11.2010 №311-ФЗ (ред. от 23.06.2016).